

DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND EUROPE AND CURRENT PROSPECTS

(Хушбоқова Нигора Файрат қизи)

“Мен суғурта тўловлари тўфайли хонавайрон бўлган оилаларни билмайман, лекин тўловлар қилинмаганлиги сабабли хонавайрон бўлган оилаларни биламан”

Уинстон Черчилль

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиш тарихи, суғуртанинг моҳияти ва аҳамияти, суғурта ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми, суғурта шартномаси ва суғурта фаолияти ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: суғурта килдирувчи, суғурталовчи, суғурта мукофоти, ижтимоий суғурта, мажбурий ва ихтиёрий суғурта, умумий ва ҳаётий суғурта, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Автомобилни ихтиёрий суғурта қилиш (КАСКО).

“Суғурта” деганда келтирилиши мумкин бўлган зарарни махсус ташкилотга тўланган аъзолик тўловлари орқали қоплашни таъминлаш тушунилади.

Иқтисодий маънода суғурта – жамият ва унинг аъзоларининг назарда тутилмаган эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган марказлашган ва марказлашмаган пул захираларини ва моддий маблағларни ташкил этиш бўйича бўладиган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Моддий нуқтаи назардан суғурта жараёнида – табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ҳамда маълум бир ҳодисаларнинг содир бўлиши билан келтирилган зарарни қоплаш учун фойдаланиладиган махсуслаштирилган муассасаларнинг пул (моддий) жамғармалари ташкил топади.

Хориж олимлари Цицерон ва Тит Ливий асарларини ўрганиб чиқиб, суғуртанинг Қадимги Римда, Юнонистонда ҳам қўлланилгани тўғрисида хулосага келишди. Жумладан, Қадимги Юнонистонда Александр Македонский даврида нафақат ўзаро суғурталар, балки шу билан бирга, акционер суғурта жамиятлари ҳам авжуд бўлган. Россияда қадимги рус ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири бўлган “Русская Правда”да (X-XI асрлар) суғурта тўғрисида илк маротаба гапириб ўтилган. Унда одам ўлдирилган вақтда етказилган зарар жамоа томонидан қондирилиши назарда тутилган. Лекин суғуртанинг ҳозирги кўриниши илк бор XIV асрда пайдо бўлди. Айнан шу вақтдан бошлаб суғурта – тижорат-суғурта ташкилотларининг фаолияти сифатида намоён бўлди. Бу ташкилотларнинг асосий мақсади “зарарларни тақсимлаш” ва “суғурта операцияларидан даромад олиш” ҳисобланади.

Россияда бўлиб ўтган инқилобдан сўнг 1918-йил 28-ноябрьда РСФСР СовНаркоми томонидан “Суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида”ги декрет қабул қилинди. Ушбу декрет билан олдинги

¹ Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 2-босқич талабаси

барча хусусий суғурта жамиятлари тугатилди, уларнинг барча мол-мулки ва пул маблағлари давлат ҳисобига ўтказилди. Бу вақтдан бошлаб суғурта давлат монополиясига айлантирилди ва 1990-йилларга қадар давом этди.

Барчамизга аёнки, ҳозирги мураккаб даврда ҳаёт тасодифларга тўладир. Инсон турли хил тасодифларнинг (табiiй офат, босқинчилик) қурбони бўлиши, тўсатдан бетоб бўлиши, тадбиркор шахс эса бозор конъюнктураси туфайли даромад ололмаслик ҳолатларидан холи эмас. Мана шундай салбий оқибатларнинг олдини олиш ёки салбий оқибатларни имкон қадар камайтириш ҳар бир фуқаронинг истаги десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, айрим фуқароларимиз (ўт ўчирувчилар, қутқарувчилар, инкассаторлар ва бошқа касб эгалари) хавфли зоналарда ишлайди. Бундай вазиятларда ишга қабул қилинган ходимларнинг ҳаёти, меҳнат қобилятини суғурта қилишни тегишли ташкилот ва идоралар ўз зиммаларига оладилар. Кўпгина фуқароларимиз ўз кексалик даврларини таъминлаш мақсадида махсус ихтисослашган ташкилотларга мурожаат этадиларки, улар фуқаролар ва ташкилотлардан (суғурта қилдирувчи) бир йўла ёки вақти-вақти билан суғурта шартномасига мувофиқ бадалларни йиғадилар. Ушбу бадаллар ҳисобига (суғурта мукофоти) суғурталовчида алоҳида жамғарма ҳосил бўлиб, шартномада белгиланган ҳодиса (ўлим, меҳнат қобилятини йўқотиши, мулкнинг нобуд бўлиши, даромад ололмаслик ва бошқалар) рўй берганидан сўнггина келишилган суммани суғурта қилдирувчига ёки у кўрсатган шахсга тўлайди. Республикамизда суғурта хизмати кўрсатиш билан бир қаторда, давлат ижтимоий суғуртаси ҳам мавжуд бўлиб, мустақиллик даврига қадар улар давлат страхованияси (госстрах)² ва давлат социал страхованияси (сосстрах)³ деб юритилган.

Республикамиздаги суғурта фаолиятини ижтимоий суғурта ва суғурта хизматларига ажратиш мумкин.

Ижтимоий суғурта ҳозирга кунда ҳам шу ном билан юритилмоқда. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган барча фуқаролар давлат йўли билан ижтимоий суғурта қилинадилар. Суғуртада эса, барча фуқаролар ишлаш-ишламаслигидан қатъий назар, ихтиёрий ва мажбурий суғурта хизматларидан фойдаланиши мумкин. Демак, ижтимоий суғурта субъектлари туман ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслардир. Ижтимоий суғурта ва суғурта, объектлари ҳамда фондларнинг ташкил қилиниши билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, суғуртада, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки суғурта объекти бўлиб ҳисобланса, улар ижтимоий суғуртанинг объекти бўлолмайди. Ижтимоий суғурта ва давлат суғуртаси ўзаро фондларнинг ташкил қилинишига кўра ҳам қуйидагича фарқ қилади. Масалан, ижтимоий таъминот суғуртасида, барча фуқароларнинг иш ҳақидан бир хил бадал олиш белгиланган бўлса, давлат суғуртасида суғурталанаётган объектнинг қийматидан келиб чиқиб бадал миқдори турлича белгиланади ва шартномада белгиланган миқдорда миқдорда ҳамда муддатларда тўлаб борилади. Ундан ташқари суғурта шартномаси маълум муддат билан чегараланган бўлади, ижтимоий суғуртада эса бундай муддат кўрсатилмайди.

Фуқаролар ижтимоий суғурта тадбирларидан ташқари, қўшимча равишда ўзларини ихтиёрий суғурта қилишлари ҳам мумкин. Масалан, ёшга доир нафақа олишни суғурталаган шахс ижтимоий суғурта бўйича белгиланган ёшга доир нафақасини ва унга қўшимча равишда шартномасида белгиланган суғурта товонини (пулни) олиши мумкин. Швецияда пенсия ва тиббий хизмат давлат томонидан ташкил этилган бўлиб, 100 % аҳолини қамраб олади. Бироқ,

² Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 138 б.

³ Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари кодексига шарҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 1985. 319 б.

бунга кўшимча тарзда, фуқаролар, суғурта компаниялари билан ҳам ихтиёрий суғурта шартномаларини тузишлари мумкин.

Юқоридаги суғурта хизмати турлари тартибга солиниши жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланиб, суғурта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан , ижтимоий суғурта эса, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Ижтимоий суғурта ўртасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, суғурта жисмоний ва юридик шахсларни бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келадиган ҳар қандай молиявий инкирозлардан ҳимоялашнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Германияда “Альянс” номли суғурта компанияси суғурта бозорининг ҳукмрони ҳисобланиб, у ҳаётни суғурталаш соҳасининг 42 % ини ва бошқа суғурта соҳаларини эса 38 %ини эгаллаган.

Суғурта бозорида етакчи ўринни эгаллаган Францияда, суғурта хизмати фаолиятини тартибга солиш, махсус суғурта кодекси асосида амалга оширилиб, у ҳаётни суғурталаш ва автомобил суғуртасига ихтисослашган.

Буюк Британияда энг эркин суғурта тизими барпо этилган. Бу ерда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини белгилаш ва суғурта қилиш қоидалари эркинлигига қарамасдан, бу ерда кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлар эса паст даражада.

Суғурта бозори ривожланган Швецияда фақат транспорт ҳайдовчиларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги мажбурий суғурталанади, бошқа турдаги суғурта эса фақат ихтиёрий амалга оширилади.

Товар-пул муносабатларининг тараққий этиши билан инсонлар ихтиёрий тарзда маблағ тўплаб, турли тасодифий воқеалардан ўз-ўзларини ҳимоя қилишга фаол кириша бошлайдилар. Шу мақсадларда, суғурта соҳасига ихтисослашган ва уни ўзининг тадбиркорлик – тижорат фаолияти шакли қилиб олган шахсларга (суғурталовчиларга, суғурта ташкилотларига) олдиндан муайян миқдордаги бадаллар тўлаш йўли билан ҳимоялаш вазифасини суғурта ташкилотлари зиммасига юклаганлар.

Тарихий манбаларга кўра, суғурта тўғрисидаги дастлабки қонунлар Европа мамлакатларида қабул қилинган. Илк суғурта қонунлари Германия, Швеция ва Голландияда жорий этилган.

Республикамиз мустақиллигининг илк кунларидаёқ, суғурта хизматини кўрсатиш бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилди ва натижада Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун 1993-йил 6-майда қабул қилиниб, давлатимизда миллий суғурта фаолиятини тартибга солишга ташланган илк қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг “Суғурта” деб номланган 52-боби 48 та моддани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексидаги суғуртани тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар, асосан, суғурта хизмати кўрсатиш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни, суғурта шартномасини тартибга солишга қаратилганлиги сабабли 1993-йил 6-майда қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги қонуннинг шартномага оид бўлими ўзининг аҳамиятини йўқотди. Натижада, бу қонунни фақат суғурта тизими фаолиятини тартибга солишга қаратилган қисмигина ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Оқибатда ҳуқуқий меъёрларни янада такомиллаштирган ҳолда, янги таҳрирда 2002-йил 5-апрельда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”⁴ги 358-П-сонли қонуни қабул қилинди.

⁴ <https://lex.uz/acts/40253>

Суғурта шартномаси

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 914-моддасига мувофиқ, суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

«Суғурта» деганда, юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантирилдиган пул фондлари ҳисобидан муайян суғурта ҳодисаси юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Суғуртанинг таърифига кўра, суғурта муносабатлари юзага келиши учун қуйидаги тўртта зарурий элементлар мавжуд бўлиши лозим:

- *ҳимоя қилиниши лозим бўлган манфаат;*
- *юз бериши мумкин бўлган ҳамда ҳимоя чоралари қўрилишига сабаб*

бўлувчи ҳодиса;

- *ҳимояни амалга оширишга хизмат қилувчи пул фондлари;*
- *ҳимоя учун тўланадиган ҳақ (мукофот) мавжуд бўлиши.*

Суғурта шартномаси тузилган бўлиши талаб этилади.

Бу элементлардан ҳеч бўлмаса биттаси мавжуд бўлмаган ҳолларда вужудга келган муносабатлар суғурта муносабатлари ҳисобланмайди.

Суғурта манфаатларининг ҳар қандай турлари фақат икки хил шартнома — **мулкӣ** (Фуқаролик кодексининг 915-моддаси) ёки **шахсий** суғурта шартномаси (Фуқаролик кодекси нинг 921-моддаси)ни ихтиёрий ёки

мажбурий тарзда тузиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу аралаш шартномалар мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини аниқлатмайди. Яъни, фуқаронинг соғлиги, ҳаёти ҳамда мол-мулкни ҳам мажбурий суғурталаш, ҳам ихтиёрий суғурталаш орқали ҳимоялаш мумкин. Бундай ҳолда ҳар иккала суғурта шартномаси бўйича белгиланган суғурта пулининг миқдори суғурталанган объектнинг умумий қийматидан ортиб кетмаслиги лозим. Бирок, суғурта шартномаларининг икки турини ҳуқуқий тартибга солиш сезиларли даражада фарқ қилади ва шу боис аралаш шартноманинг қисмлари шу даражада ажратилган бўлиши лозимки, уларнинг ҳар бирини тегишли қоидалар билан таққослаш мумкин бўлсин.

Суғурта шартномасининг тарафларидан бири (суғурта қилдирувчи) муо - мала лаёқатига эга жисмоний ёки юридик шахс, иккинчи томон (суғурталовчи) эса — тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва тегишли турдаги суғуртани амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахслар бўлиши мумкин⁵.

Суғурта шартномаси *ҳақ эвазига тузиладиган шартнома* ҳисобланиб, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлайди, суғурталовчи эса суғурта ҳодисаси рўй бериши билан суғурта пулини тўлайди.

Ушбу шартнома *икки томонлама шартнома* ҳисобланиб, иккала тараф ўз зиммаларига ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятларни оладилар. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта бадалини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилдирувчи эса, суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олса, суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурта товонини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзи бир Европа олимлари суғурта шартномаси тузилиши жараёнида суғурта

⁵ <https://www.osce.org/files/f/documents/5/a/106233.pdf>

бадалининг бир йўла тузилиши билан суғурта қилдирувчида мажбурият қолмаслигини назарда тутиб уни бир томонлама ва консенсуал шартномалар туркумига мансуб бўлади деб ҳисоблайдилар. Суғурта шартномасида суғурта ходисаси ҳақида хабар бериш мажбуриятининг сақланиб қолиниши суғурта шартномасининг икки томонлама шартнома сифатидаги хусусияти ўзгармайди.

Суғурта шартномаси тузилиш пайтига ва мазмунига қараб *реал* ва *консенсуал шартномалар* тоифасига киради. Ихтиёрий суғурта шартномалари реал шартнома ҳисобланади.

Суғурталашни ким амалга оширади?

Ўзбекистонда суғурта бозори регулятори **Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги** бўлиб, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини лицензиялайди, суғурта тўловларининг нормативлари ва механизмларини, ҳамда уларни ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқади.

Суғурта бозорининг икки асосий иштирокчиси мавжуд: **суғурта қилувчи** ва **суғурта қилдирувчи**.

Суғурта қилувчи – рискларни ўзига олувчи ва суғурта компенсациясини тўловчи компания.

Суғурта компаниялари – жисмоний (фуқаролар) ва юридик шахслар (корхоналар) хатарларини тузилган шартнома асосида суғурталовчи молиявий ташкилотнинг махсус тури.

Суғурта қилдирувчи - суғуртани қабул қилувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Суғурта бозори иштирокчилари суғурта хизматларини кўрсатувчи агент ва брокер воситачилари орқали ҳам фаолият юритишлари мумкин. Улар суғурта мукофотининг муайян улушини комиссия (хизмат ҳаққи) сифатида оладилар (суғурта қилдирувчи шартнома бўйича берадиган бадал).

Агентлар лицензияга муҳтож эмас, улар суғурта компанияси номидан иш юритади, ва албатта унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Брокерлар лицензияга эга бўлишлари ва мустақил ишлашлари керак, яъни турли хил суғурта компанияларни таклиф қилиш орқали мижознинг эҳтиёжларини оптимал даражада кондирадилар.

Суғурта захирасини кўпайтириш учун суғурта компаниялари суғурта қилдирувчиларнинг маблағларини тақсимлаш билан шуғулланадилар. Суғурта компаниясининг даромад манбаи унинг инвестицион фаолияти ҳисобланади. У йиғган пул маблағлари, келгуси тўловлар учун мўлжалланган суғурта захираларининг миқдори ҳисобланади. Бу пул маблағларини сарфлаш мумкин эмас, лекин уларни даромад олиш мақсадида омонатлар сифатида банкларда жойлаштириш орқали ишлатиш мумкин.

Суғурта компаниялари томонидан аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган асосий хизматларидан бири:

- Транспорт воситаларини суғурталаш;

- Тиббий суғурта;
- Юкларни суғурталаш;
- Ипотека суғуртаси;
- Мол-мулкни суғурталаш ва бошқалар.

Суғурта нима учун керак?

Суғурта – мол-мулк, соғлиқ ёки ҳаёт, бизнес, ва қийматга эга бўлган бошқа йўналишдаги хатарларнинг молиявий ҳимоясидир. Суғурта **мажбурий** ёки **ихтиёрий** бўлади.

Мисол сифатида, автомобил суғурталашни кўриб чиқамиз:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш:

- бировнинг автомобилига зарар етказилганда жавобгарлигинингизни суғурта қилади;
- жабр кўрган бегуноҳ шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби бўйича ғамхўрлик қилиш орқали муҳим ижтимоий ролга эга;
- автомобилнинг қуввати ва фойдаланиш ҳудудига қараб белгиланган ҳамда суғурта тўловининг қатъий миқдорига эга.

Автомобилни ихтиёрий суғурта қилиш (КАСКО):

- йўллар, автомобиллар тураргохи ва бошқа жойларда ҳар қандай йўл ҳодисалари туфайли автомобилнингизга етказилган зарарни сизнинг айбингиз бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъий назар қоплашни таъминлайди;
- автомобил эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кўриқлаш орқали уларнинг шахсий манфаатлари ҳимоясида туради;
- полис нархи турли ташқи ўзгарувчан омилларга қараб белгиланмайди;
- суғурта қопламаси суғурта шартномасининг миқдорига боғлиқ, аммо суғурталанган транспорт воситасининг тўлиқ қийматидан ошиб кета олмайди⁶.

Ўзбекистонда суғурта фаолияти

Истеъмолчиларнинг суғурталовчиларга бўлган қизиқиши автомобиль эгалари учун жавобгарликни мажбурий суғурталаш жорий қилинган 2008 йилда сезиларли даражада ошди. Бундан ташқари, давлат маълум чораларни кўриш орқали суғурта хизматларининг сотиб олиш қобилиятини кенгайтирди.

2020 йил ярим йиллигида суғурта ташкилотлари сони 36 тага етган бўлса, 1 январь 2021 йил ҳолатига кўра Ўзбекистон суғурта бозорида 40 та суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта тўловларини тўлаш тартиби (суғурта суммалари).

Суғурта шартномасини тузишнинг анъанавий тартиби қуйидагича: суғурта қилдирувчи суғурта аризаси билан суғурталовчига мурожаат қилади. Суғурталовчи ўз навбатида ягона ҳужжат сифатида шартнома лойиҳасини ёки суғурта полисини, масалан, гувоҳнома ёки квитанцияни тузади ва полисни имзолайди. Кейин, биринчи ҳолда,

⁶ <https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/insurance-organizations/>

томонлар шартнома имзолайдилар, иккинчи ҳолда, суғурталовчи полисни суғурта қилдирувчига топширади⁷.

Иштирокчиларнинг суғурта муносабатларидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сонли қарори асосида ташкил этилган ва суғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи бўлиб, суғурта муносабатларининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайфуллаев Ф. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 138 б;
2. Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари кодексига шарҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 1985. 319 б;
3. <https://lex.uz/acts/4025>;
4. <https://www.osce.org/files/f/documents/5/a/106233.pdf>;
5. <https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/insurance-organizations/>;
6. <https://consumer.gov.uz/yangiliklar/sugurta-hizmatlarida-istemolchilarning-huquqlari/>;
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2021-йил 1-мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари маъдумотлари миллий базаси www.lex.uz (расмий манба) асосида. Тошкент. “Yuridik adabiyotlar publish”. 2021.

⁷ <https://consumer.gov.uz/yangiliklar/sugurta-hizmatlarida-istemolchilarning-huquqlari/>